

КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ТАЛАБА ШАХСИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

Авлиякулов Абдурашит Каримович

Профессионал таълимни ривожлантириш институти профессори

(+998903257029, avliyakov60@mail.ru)

ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 19.10.2025

Revised: 20.10.2025

Accepted: 21.10.2025

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

талаба шахсига йўналтирилган таълим, касбий таълим, фаол ўқув методлари, компетенцияга асосланган таълим, андрагогик ёндашув.

АННОТАЦИЯ:

Мақолада касбий таълим тизимида талаба шахсига йўналтирилган таълимни жорий этишнинг назарий ва амалий асослари таҳлил қилинган. Таълим жараёнида талабани фаол субъект сифатида шакллантириш, мустақил ўрганиш қобилиятини ривожлантириш ҳамда таълим сифатини оширишга қаратилган методик усуллар ёритилган. Шунингдек, андрагогик ва конструктивистик таълим назариялари асосида студент марказли ёндашувнинг афзалликлари ва жорий этиш механизмлари баён этилган. Масалалари ҳам тақозо этилмоқда.

Кириш. Бугунги глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида касбий таълим тизимининг рақобатбардошлигини таъминлаш фақатгина билим бериш билан чекланиб қолмайди. Бу, аввало, шахсий ривожланишни рағбатлантириш, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятларини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Хусусан, талабаларни таълим жараёнининг фаол иштирокчилари сифатида жалб этиш, уларнинг ички мотивациясини кучайтириш ҳамда мустақил таълим олишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш таълим сифатини оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади (1).

Бу ёндашув Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълим ислохотлари, жумладан, "Касбий таълимни ривожлантириш концепцияси" (2020 й.) талабларига тўлиқ мос келади. Ҳозирги кунда касбий таълим тизимини модернизация

қилиш жараёнлари таълим сифатини яхшилаш ва замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни талаб этмокда.

Бу жараёнда талаба шахсига йўналтирилган таълим асосий методологик тамойил сифатида намоён бўлмокда (1). Мазкур ёндашув таълим фаолиятида талабани билимни фаол ўзлаштирувчи, таҳлил этувчи ва уни амалиётда қўллай оладиган ижодкор шахс сифатида шакллантиришни назарда туттади.

Талаба шахсига йўналтирилган таълимнинг назарий асослари. Талаба шахсига йўналтирилган таълим таълим жараёнида фаол субъект сифатида талабанинг иштироки ва фаолиятини бош омилга айлантиради. Бу ёндашув ўқитувчидан анъанавий “ахборот етказувчи” эмас, балки “фасилитатор”, “коуч –(бу шахс ёки жамоага ўз мақсадларига эришиш, салоҳиятини рўёбга чиқариш, қарор қабул қилиш ва ривожланишда ёрдам берувчи мутахассисдир)” ёки “маслаҳатчи” ролини бажаришни талаб қилади (2). Таълимдаги бу трансформация “ўқитувчи марказли” моделдан “талаба марказли” моделга ўтишни англатади.

Конструктивизм назариясига кўра, билим инсон онгида унинг шахсий тажрибаси асосида қайта яратилади. Демак, ҳар бир талаба янги билимни ўз индивидуал тажрибаси, қизиқишлари ва изланишлари орқали ўзлаштиради. Бу эса анъанавий дарс шакллари қайта кўриб чиқишни ҳамда “кейс-стади”, “дебат”, “ролли ўйинлар”, “лойиҳа иши” ва шу каби интерактив усулларни таълим жараёнига жорий этишни тақозо этади.

Талаба шахсига йўналтирилган таълим ғояси педагогика ва психология соҳасидаги бир қатор илмий мактаблар томонидан илмий жиҳатдан асослаб берилган. Хусусан, гуманистик педагогика (К. Роджерс, А. Маслоу) ҳамда конструктивизм назарияси (Ж. Пиаже, Л. Выготский, Дж. Брунер) мазкур ёндашувнинг назарий пойдеворини ташкил этади (2). Гуманистик ёндашувга кўра, ҳар бир талаба шахс сифатида қадрланиши, унинг эҳтиёж ва имкониятлари таълим жараёнининг марказида бўлиши лозим. Конструктивизм эса билимни тайёр ҳолда қабул қилиш эмас, балки талабанинг фаол изланиши ва амалиёт орқали шакллантириш жараёни сифатида талқин этади.

Касбий таълим тизимида талаба шахсига йўналтирилган таълимнинг аҳамияти. Бугунги меҳнат бозори тез суръатларда ўзгариб, янги касблар ва фаолият йўналишлари пайдо бўлмокда. Шу боис касбий таълим тизими фақат маълумот

бериш билан чекланмасдан, балки ўзгаришларга тез мослаша оладиган, ижодкор ва ташаббускор мутахассисларни тайёрлашга йўналтирилиши зарур (3).

Талаба шахсига йўналтирилган таълим мазкур мақсадни амалга оширишга хизмат қилади: талаба фақат билимни қабул қилувчи эмас, балки унинг яратувчисига айланади. Масалан, талабаларни ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган лойиҳаларга (дуал таълимга) жалб этиш уларда жамоавий ишлаш, мулоқот қилиш, масъулият ҳиссини англаш каби “soft skills” — яъни мулоқот, ҳамкорлик ва етакчилик кўникмаларини ривожлантиради.

Шу тариқа, талаба шахсига йўналтирилган ёндашув таълим самарадорлигини ошириш билан бирга, талабаларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлиги ва ишга жойлашиш имкониятларини ҳам кенгайтиради.

Касбий таълим муассасаларида мазкур таълимни жорий этиш мутахассисларни тайёрлашда сифат кўрсаткичларини оширишга хизмат қилади. Талаба шахсига йўналтирилган таълим натижасида таълим олувчи фақат назарий билимларни эмас, балки уларни амалий фаолиятда қўллай олиш кўникмаларини, яъни касбий компетенцияларни ҳам шакллантиради (3). Бу эса меҳнат бозори талабларига мос, ижодкор, мустақил фикрлайдиган ва муаммоларни ҳал қилишга қодир кадрларни тайёрлаш имконини яратади.

Талаба шахсига йўналтирилган таълимни жорий этишнинг методик механизмлари. Талаба шахсига йўналтирилган таълимни самарали амалга оширишда таълим жараёнини режалаштириш ва ташкил этишда ўқитувчининг ижодий ва фасилитаторлик фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён қуйидаги босқичларни ўз ичига олади (4):

1. Тайёргарлик босқичи:

➤ талабаларнинг эҳтиёжлари, билим даражалари ва қизиқишларини аниқлаш;

➤ таълим мақсадларини талабаларнинг шахсий ривожланиш йўналишлари билан уйғунлаштириш.

2. Таълим жараёнини ташкил этиш:

➤ интерактив усуллар (“кластер”, “аквариум”, “дебат”, “ақлий хужум”) ва рақамли воситалардан фойдаланган ҳолда фаол таълим муҳитини яратиш;

➤ гуруҳда ҳамкорликда ишлаш ва тажриба алмашиш имкониятларини таъминлаш.

3. Рефлексия ва баҳолаш босқичи:

➤ талаба ўз фаолиятини таҳлил қилади, ўқитувчи эса қўллаб-қувватловчи фикр-мулоҳаза (feedback) беради;

➤ баҳолаш жараёнида талабанинг ижодий фаоллиги, мустақиллиги ва ривожланиш динамикаси ҳисобга олинади.

Индивидуал ривожланиш траекториясини белгилаш:

➤ ҳар бир талаба учун шахсий таълим режаси ишлаб чиқилади;

➤ ўқув жараёнида шахсий мақсадлар ва натижалар кузатилиб, доимий равишда таҳлил қилинади.

Талаба шахсига йўналтирилган таълимда талабаларнинг мустақил ишини рағбатлантириш мақсадида “portfolio assessment” тизимини жорий этиш тавсия этилади. Бу тизим доирасида ҳар бир талаба ўз ютуқларини, илмий изланиш натижаларини, амалий фаоллигини ва ижодий ишланмаларини ҳужжатли равишда акс эттиради. Бу усул талабанинг шахсий ўсиш траекториясини мониторинг қилиш ва баҳолашни енгиллаштиради.

Касбий таълимда мазкур ёндашувни амалга ошириш учун қуйидаги методик механизмлар муҳим аҳамият касб этади (4):

➤ таълим жараёнини фаол ва интерактив усуллар асосида ташкил этиш;

➤ талабаларни мустақил изланиш, таҳлил ва тадқиқот фаолиятига жалб этиш;

➤ “flipped classroom”, “case study”, “project-based learning” каби замонавий педагогик технологияларни қўллаш;

➤ ўқитувчининг маслаҳатчи ва фасилитатор сифатидаги ролини кучайтириш;

➤ баҳолаш жараёнида талабанинг фаоллиги, ижодкорлиги ва рефлексиясини ҳисобга олиш зарур.

Касбий таълим муассасаларида талаба шахсига йўналтирилган таълимни самарали татбиқ этиш мақсадида қуйидаги амалий чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади (5):

➤ “Менторлик тизими”ни жорий этиш, яъни тажрибали ўқитувчилар ёрдамида талабаларнинг шахсий ва касбий ривожланишини қўллаб-қувватлаш;

➤ Замонавий онлайн таълим платформаларидан (Google Classroom, Moodle, Coursera ва бошқалар) самарали фойдаланиш орқали талабаларнинг мустақил ўрганишини таъминлаш;

➤ Баҳолаш тизимини такомиллаштириш, яъни фақат натижага эмас, балки ўқув жараёнидаги фаоллик, ижодкорлик ва ташаббускорликка ҳам эътибор қаратиш;

➤ Психологик қўллаб-қувватлаш марказларини ташкил этиш орқали талабаларнинг шахсий мотивацияси ва эмоционал барқарорлигини ошириш;

➤ Ўқитувчилар учун махсус семинар ва тренинглар ташкил этиш, уларда талаба марказли таълимнинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур ўргатиш;

➤ Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва онлайн платформаларни кенг жорий этиш орқали фаол ва интерактив ўқитиш муҳитини яратиш;

➤ Талабаларнинг шахсий портфолиоларини юритиш ва индивидуал ютуқларини баҳолаш тизимини жорий этиш, бу орқали шахсий ўсиш ва муваффақият динамикасини кузатиш;

➤ Меҳнат бозори ва иш берувчилар билан ҳамкорликни кучайтириш орқали талабаларда амалий кўникмалар ва меҳнат фаолиятига тайёргарликни ривожлантириш.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, талаба шахсига йўналтирилган ёндашув таълим самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, шахсда умрбод ўрганиш (lifelong learning) компетенциясини ҳам ривожлантиради. Бу эса касбий таълим тизимида таълим сифатини таъминлашнинг узок муддатли кафолати ҳисобланади.

Шунинг учун касбий таълим муассасаларида мазкур ёндашувни институционал даражада қўллаб-қувватлаш, норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ва педагог кадрлар малакасини мунтазам ошириш орқали тизимли равишда жорий этиш зарур.

Шундай қилиб, талаба шахсига йўналтирилган таълимни касбий таълим тизимига интеграция қилиш таълим сифатини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу ёндашув орқали талабаларда мустақил фикрлаш, ижодкорлик, масъулият ва амалий фаолият кўникмалари шаклланади.

Ўқитувчи эса анъанавий билим берувчи эмас, балки талабани ривожлантиришга йўналтирилган фасилитатор сифатида фаолият юритади. Натижада таълим жараёни самарадорлиги ва талабаларнинг касбий тайёргарлик даражаси янги, юқори поғонага кўтарилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзаев А. Педагогик технологиялар ва таълим сифатини ошириш. – Тошкент: Фан, 2019.
2. Выготский Л.С. Психология обучения и развития. – Москва: Педагогика, 1986.
3. Ҳамидов Ш. Касбий таълимда инновацион ёндашувлар. – Самарқанд, 2021.
4. Роджерс К. Свобода учиться. – Москва: Прогресс, 1994.
5. Юнусов Ф. Замонавий таълимда андрагогик ёндашувлар. – Тошкент, 2022.

